2025 йил – Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили

№52 (905)
2025 йил 27 июнь, жума

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

uzbunyodkor t.me/uzbunyodkor uzbunyodkor info@uzbunyodkor.uz uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.



***Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26-27 июнь кунлари Минск шаҳрида бўлиб ўтадиган Олий Евроосиё иқтисодий кенгашининг навбатдаги йиғилишида кузатувчи давлат раҳбари мақомида иштирок этади.***

*Саммит кун тартибидан ташкилот доирасидаги кўп томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари ўрин олган. Амалий ҳамкорликнинг устувор йўналишлари кўриб чиқилади.*

# МУВАФФАҚИЯТ ЙЎЛИДАГИ 60 ЙИЛЛИК ФАОЛИЯТ



**Отабек ҲАСАНОВ,** Зарафшон қурилиш бошқармаси бошлиғи.

**Жорий йилда “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ таркибидаги Зарафшон қурилиш бошқармаси ўзининг 60 йиллик тинимсиз меҳнат ва тараққиётга бой фаолиятини муносиб нишонламоқда. Ушбу кун – фақат тарихий сана эмас, балки юртимиз саноати, иқтисоди ва инфратузилмасини барпо этишдаги беқиёс ҳиссанинг рамзидир.**

3-бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

# МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, сўз ва матбуот эркинлиги, очиқлик тамойилини мустаҳкамлашга қўшаётган муносиб ҳиссаси, глобал ахборот майдонида миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш, Янги Ўзбекистонда эришилаётган улкан ютуқларни кенг тарғиб этишдаги катта хизматлари, юқори малакали, замонавий журналист кадрларни тайёрлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги самарали фаолияти ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

### “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист” фахрий унвони билан

**Дониёров Салим Мусурмонович –** “Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти бош муҳаррири.

### “Меҳнат шуҳрати” ордени билан

**Мирзаалиев Икболжон Мирзакаримович –** “Жадид” газетаси бош муҳаррири.

### “Дўстлик” ордени билан

**Амангелдиева Раихан Кдирбаевна –** Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Нукус телерадиомаркази филиали тасвир ёзиш гуруҳи катта электр механиги, Қорақалпоғистон Республикаси;

**Кенжаева Зохида Абдуллаевна –** Тўрақўрғон тумани “Давр” газетаси муҳаррири, Наманган вилояти;

**Матякубов Камол –** “Адолат” газетаси мухбири;

**Миршарипов Фарходжон Арислонович –** Фарғона вилояти телерадиоканали бош муҳаррирининг ўринбосари, Сўх телеканали гуруҳ раҳбари;

**Орипов Шухратжон Орип ўғли –** “Бизнесни ривожлантириш банки” акциядорлик тижорат банкининг ахборот хизмати раҳбари;

**Рахимов Абдижалол Абдизиятович –** Чиноз тумани “Чиноз ҳаёти” газетаси бош муҳаррирининг ўринбосари, Тошкент вилояти;

**Титчук Андрей Георгиевич –** Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Dunyo bo‘ylab” телеканали ахборот-информацион дастурлар муҳарририяти монтажчиси;

**Уринбоев Сайдулла Мардонович –** Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Madaniyat va ma’rifat” телеканали телеоператорлар гуруҳи телеоператори;

**Хасанов Хайдар Хатамжанович –** Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “O‘zbekiston 24” ижодий бирлашмаси директори ўринбосари;

**Ҳасанов Рўзимбой –** “XXI аср” газетасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича мухбири.

2-бет

# ПРЕЗИДЕНТ СИЁСАТИ – инсонлар кўнглидаги маънавий қўрғонни яратмоқда

**Нигора НОЗИМЖОНОВА,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Уй-жой фақат бошпана эмас, у инсоннинг кўнглидаги маънавий қўрғон. Тасаввур қилинг, Ўзбекистонда 25 йил мобайнида кўп қаватли уйлар қурилмади ҳисоб, лекин аҳоли кўпайиб борди. Натижада, мамлакатда уйсиз аҳоли сони ортаверди. Бу, ўз навбатида кўплаб маиший муаммоларни келтириб чиқарди. Кейинги салкам 10 йилда мамлакат бўйлаб қурила бошлаган кўп қаватли уйлар биринчи навбатда, уйга муҳтож, кам таъминланган, ногиронлиги бор юртдошларимизга берилиши, яқин қариндошлар ўртасидаги муносабатларнинг тикланишига ҳам сабаб бўлди.**



Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 9 декабрдаги “Янги Ўзбекистон” массивларини қуриш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилингач, ҳудудларда массивларнинг қад ростлаши миллионлаб одамларнинг тасаввурига ҳам сиғмаган янгилик бўлди. 2022 йилда 29 та, 2025 йилда 56 та, жами 890 та уй, 31 682 та хонадон фойдаланишга топширилди. Массивларда одамларга ҳар томонлама қулайлик яратиш мақсадида амалга ошириладиган ишлар шахсан давлат раҳбарининг назоратида. Президентимиз раислигида жорий йилнинг 23 январь куни Ипотека дастури доирасида 2024 йилда амалга оширилган ишлар ва 2025 йилга режалар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилишида ҳам “Янги Ўзбекистон” массивларининг қурилишига алоҳида тўхталиб ўтилди.

– **“Янги Ўзбекистон” массивларига берилган ер бўйича лойиҳалашни икки ойдан, қурилишни бошлашни 3 ойдан оширишга йўл қўйилмайди. Бу талаб бузилса, ер қайтариб олинади ва қайта аукционга чиқарилади. “Янги Ўзбекистон” массивлари Президент сиёсати**, – деганди давлатимиз раҳбари ўша йиғилишда.

2-бет

# ВАЗИРЛИК ВА ТИЗИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА

**Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Урбанизация ва шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш Республика марказида мамлакатимизнинг архитектура ва дизайн йўналишида фаолият юритувчи ёш мутахассислар билан давра суҳбати ўтказилди.**

Унда қурилиш соҳасини рақамлаштириш йўналишидаги салмоқли лойиҳалар, хусусан, шаҳарларнинг рақамли эгизаги ва ГИС тизимини ишлаб чиқиш борасидаги инновацион ечимлар ва замонавий технологиялар хусусида маълумот берилди.

---

**Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг Ичимлик ва оқова сув тизимини ривожлантириш ва эксплуатация фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи Ғайрат Раҳимов Қашқадарё вилоятида ўрганиш ишларини олиб борди.**

Хусусан, вазирликнинг давлат ижтимоий буюртмаси асосида Қамаши тумани Майда маҳалласидаги 6 932 нафар аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш учун амалга оширилаётган қурилиш ишлари ўрганилди. Мазкур маҳалла туман марказидан 24 километр узоқликда жойлашган бўлиб, унда 105 километр узунликдаги ичимлик суви тармоғини тортиш ва 2 та ичимлик сув иншоотини қуриш режалаштирилган. Ўрганишлар давомида ичимлик суви иншоотида қурилиши режалаштирилган иккита 300 метр кубли резервуарни қуриш лойиҳасидаги камчиликлар кўрсатилиб, уни зудлик билан бартараф этиш топшириғи берилди.

---

**Самарқанд вилояти Тойлоқ тумани “Чароғбон” МФЙ ҳудудида барпо этилаётган “Янги Ўзбекистон” массивида 1 та қозонхона, жами қуввати 14 МВт бўлган 2 дона қозон олиб келиш ҳамда 2,39 километр иссиқлик тармоқлари тортиш белгиланган.**

Буюртмачи, “Кўп хонадонли уйларни мукаммал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК мутахассислари тақдим этган маълумотларга кўра, шартнома суммаси 17 миллиард 821,5 миллион сўм бўлган объектда айни кунгача 2 дона қозон олиб келинган. 2,2 километр иссиқлик тармоғини қуриш ишлари амалга оширилган. Ҳозирда қозонхона биноси қурилиши давом этяпти.

---

**Ўзбекистон ва Малайзия ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган Ўзбекистон – Малайзия бизнес форуми бўлиб ўтди. Унда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Озода Жўраева ҳам иштирок этди.**

Тадбирда икки давлат ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий алоқаларнинг истиқболлари, мамлакатдаги очиқ ва инвесторларга қулай муҳит ҳамда яратилаётган шароитларга алоҳида тўхталиб ўтилди. Шунингдек, форум нафақат расмий тақдимотлар, балки Ўзбекистон ва Малайзия ишбилармон доиралари ўртасидаги юзма-юз мулоқот майдонига айланди ҳамда тадбиркорлар ўртасида ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга қаратилган янги ғоя ва таклифлар, қатор келишувлар муҳокама қилинди.

---

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 28 мартдаги “Ислом тараққиёт банклари иштирокида “Қишлоқ жойларни комплекс ривожлантириш” (2-босқич) лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-141-сонли қарорига асосан, Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ тумани Яшнобод маҳалласининг батафсил режалаштириш лойиҳаси ҳамда унга чегарадош бўлган Чимқўрғон, Учтепа ва Наврўз маҳаллалари ҳудудларини ривожлантириш схемалари ишлаб чиқилди.**

Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодексининг 38-моддасига асосан, “Аҳоли пунктлари бош режаларининг жамоатчилик муҳокамаси” талабларига кўра ишлаб чиқилган бош режа лойиҳалари юридик ва жисмоний шахслар, жамият ва давлат манфаатларига мувофиқлиги юзасидан кенг жамоатчилик томонидан муҳокама қилиш учун ҳавола қилинмоқда.

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№52 (905) 2025 йил 27 июнь

◀1-бет

# МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

### II даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан

**Нурматов Акбар Норматович** – Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетининг ЮНЕСКО ва ихтисослашган медиа кафедраси мудири;

**Холбекова Бахор Шайимовна** – “Ишонч” ва “Ишонч-Доверие” газеталарининг Сирдарё вилояти бўйича мухбири.

### “Соғлом турмуш” медали билан

**Джумаев Ибрахим** – Навоий вилояти “Саломатлик” газетаси муҳаррири.

### “Келажак бунёдкори” медали билан

**Ғиёсов Мирали Абдуллоҳ ўғли** – Тошкент шаҳридаги “Sharoit plus” нодавлат нотижорат ташкилоти лойиҳа менежери.

### “Шуҳрат” медали билан

**Абилов Фазлиддин Ибрагимович** – “Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари таҳририяти бош муҳаррирининг ўринбосари;

**Авазов Дилмурод Батирович** – “Oriat Dono” радиоси мусиқа муҳаррири;

**Адилова Муножот Асроровна** – “Daryo.uz” интернет нашрининг таҳрир бўлими мусаҳҳиҳи;

**Асанов Элдар Энверович** – “Asanov formati” телеграм канали асосчиси, блогер;

**Аҳатов Собит Темирович** – “Xabar.uz” интернет нашрининг ахборот-коммуникация технологиялари ва инновациялар бўлими муҳаррири;

**Гапирова Нигора Умурзаковна** – “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясининг муқовалаш цехи муқоваловчиси;

**Джумаев Хидоят Иноятович** – Бухоро вилояти телерадиоканалининг ижодий ишлаб чиқариш гуруҳи телеоператори

**Каршиев Азиз Ражабович** – “Kun.uz” интернет нашри муҳаррири;

**Корабоев Шамшидин** – Фарғона вилояти оммавий ахборот воситалари фахрийлар кенгаши фаоли, фотосуратчи;

**Мадатова Зилола Мухамадалиевна** – “Маърифат” газетаси бош муҳаррирининг ўринбосари;

**Макаренко Никита Анатольевич** – Ижтимоий тармоқлардаги “Effekt Makarenko” саҳифаси асосчиси, блогер;

**Маматрайимов Холмумин Норкобилович** – Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг Сурхондарё вилояти бўйича шарҳловчиси;

**Муминова Гулрух Комиловна** – Самарқанд вилояти “Зарафшон” ва “Самаркандский вестник” газеталари таҳририяти махсус мухбири;

**Муслимов Шухрат Зикруллаевич** – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “O‘zbekiston MTRK teleradiomarkazi” давлат муассасаси телевидение ва радио кўчма техника хизмати бошлиғи;

**Нур Аҳмад Ҳожибой ўғли** – Тошкент шаҳридаги “SAS-Media” масъулияти чекланган жамияти раҳбари;

**Раббимов Камолиддин Мухиддинович** – “Kamoliddin Rabbimov” телеграм канали асосчиси, сиёсатшунос ва блогер

**Рахимов Сарваржон Хамиджонович** – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “O‘zbekiston 24” ижодий бирлашмаси сиёсий шарҳловчиси;

**Рашидова Наргизахон Рашидовна** – “Менинг юртим” телеканали эфирга узатиш бўлими муҳаррири;

**Сакаева Элина Ибрагимовна** – “Gazeta.uz” интернет нашри муҳаррири;

**Саматова Салима Абдиназаровна** – Касби тумани ахборот-кутубхона марказининг абонемент ва фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш бўлими мутахассиси, Қашқадарё вилояти;

**Хамидов Хайрулла Убайдуллаевич** – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Sport” ижодий бирлашмаси шарҳловчиси;

**Шерова Лазиза Шомиловна** – “Ўзбекистон овози” газетасининг парламент фаолияти бўлими мудири;

**Яқубжонова Нилуфар Ойбековна** – Андижон вилояти телерадиоканалининг радио гуруҳи катта муҳаррири.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2025 йил 26 июнь

# ПРЕЗИДЕНТ СИЁСАТИ – инсонлар кўнглидаги маънавий қўрғонни яратмоқда

◀1-бет

Массивларни муҳандислик, транспорт-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш мақсадида 2022-2024 йилларда давлат бюджетидан 1 триллион 716 миллиард сўм, ижтимоий соҳа объектларини қуриш учун 665 млрд сўм ажратилди.

Жорий йилда давлат раҳбарининг фармонига кўра, ҳудудларда 135 мингта кўп квартирали уй-жойлар қурилиши, 56 та “Янги Ўзбекистон” массивини ташкил этиш белгиланган. Бутун Ўзбекистон бўйлаб 2030 йилгача “Янги Ўзбекистон” массивини 100 тага етказиш топшириғи берилган. Қад ростлайдиган “Янги Ўзбекистон” массивларидаги уй-жойлар Президент сиёсатидаги масала бўлиб, ҳар бир ҳудудда сув, электр, газ ва йўл инфратузилмаси билан таъминланган уй-жойлар бўлиши керак. Массив ҳудудлари ёнида ишлаб чиқариш ва саноат зоналари, поликлиника, болалар боғчаси, мактаб ва кейинчалик университетлар қурилиши ҳам кўзда тутилган. Бугунги кунгача жорий режалаштирилган 135 мингта уйларнинг 10 мингга яқини қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Нурли йўлларга элтувчи Нурафшон бугун Тошкент вилоятининг юраги. Шаҳарчага 5 йил олдин келган одам бугун қайта келса, уни таний олмайди. Сабаби, кўп қаватли уйлар янги турар жойлар шаҳарча кўркига кўрк қўшяпти. Нурафшон шаҳрининг ичида ақлли шаҳарча қуриляпти, “Янги Ўзбекистон” массиви ҳам қад ростляпти. Замонавий уйлар билан бир қаторда янги истироҳат боғи, санъат саройи, маънавият ва маърифат маркази бунёд бўляпти.

Нурафшон шаҳри ҳам бугун қурилишлар майдонига айланиб улгурди. Бу ерда замонавий “Янги Ўзбекистон” массиви барпо этилмоқда. Дастурга мувофиқ, 10 гектар майдонда 29 та кўп қаватли уйлар қурилиши ва 1000 дан зиёд хонадонларга берилиши режа қилинмоқда. Шу кунга қадар 10 дан зиёд кўп каватли уйлар ўз эгаларига топширилди. Тошкент вилояти ташкил топганига 80 йил бўлса-да, лекин яқингача ҳам унинг маъмурий маркази йўқ эди. Албатта, бу ҳудудни комплекс ривожлантириш аҳолининг меҳнат қилиши ва муносиб яшаши учун жиддий муаммолар туғдириши аниқ эди. Нурафшон шаҳрининг янгитдан барпо этилиши эса аҳолига кенг қулайлик яратди. Бугун шаҳарча ўз номига мос ва ватанимизнинг энг кўркам, шинам ва обод гўшаларидан бирига айланди.

– Президентимиз Нурафшон шаҳрига асос солганидан кейин шаҳримиз янгича қиёфа касб эта бошлади. Юртимизда бўлаётган бунёдкорлик ишлари Нурафшонни ўзгача қиёфага олиб келди, – деди Халқ депутатлари Нурафшон шаҳар кенгаши депутати Олим Турсунбоев. – Шаҳримизда кўкка бўй чўзаётган “Янги Ўзбекистон” массиви ўрнида қуруқ дала, боғ, кўкариб кетмаган чўлга ўхшаган жойлар бўлган. Аҳоли уйлари ичкарида бўлгани учун кўзга ҳам ташланмасди. Эндичи, Нурафшон шаҳри чинданам Тошкент вилоятининг юрагига айланди. Илгариги Тўйтепа номини олган шаҳарда паст уйлар, тор кўчалар бўлган бўлса, бугунги кунда осмонўпар бинолар, чиройли уйлар, иншоотлар қад ростлади. Бундай шаҳарларда яшаш бизга армон эди. Тошкент шаҳридан кириб келишизда икки йўлнинг четида баланд қурилган иморатлар, чиройли уйларга кўзингиз тушади. Салгина юриб Нурафшон шаҳрининг марказидаги “Nurafshon biznes city”га кириб келасиз. Ўзгача қиёфада янги қурилаётган замонавий уйлар одамларга кайфият бағишлайди. Бугунги кунда орзуларимиз рўёбга чиқмоқда. Биз бу бахтдан масрурмиз.

Давлатимиз раҳбарининг 2024 йилдаги фармонига асосан “Nurafshon biznes city” ҳудудида “Янги Ўзбекистон” массиви қуриляпти.

– Фармон асосида 29 та кўп хонадонли уйлар қурилиши режалаштирилган, – деди “Тошкент вилоятида Бизнес марказларни қуриш дирекцияси” ДУК бош директори Элдор Мирҳолиқов. – Ўтган йили режадаги 10 та уй қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу йил қолган 19 таси бўйича ишлар кетяпти. Бугунги кунда 11 тасида тайёргарлик даражаси 90 фоизга етиб, уйлар ҳудудида ободонлаштириш ишлари олиб бориляпти. Қолган 8 тасини режага кўра сентябрь ойига қадар тўлиқ фойдаланишга топширилади. Бугунги кунда “Янги Ўзбекистон” массивларидан ташқари, инвесторлар томонидан 4 минг хонадонга мўлжалланган 30 та уй қурилиши бошланган. “Nurafshon biznes city”да 40 минг аҳолига мўлжалланган шаҳарчани 3 йилгача биз қуриб, фойдаланишга топширишни режалаштирганмиз. Шаҳарча ҳудудида Президент мактаби, 2 та университет ва 8 та давлат идораларининг маъмурий бинолари қурилади. “Янги Ўзбекистон” боғи, сунъий кўл аҳоли ихтиёрига берилган. Бош режага кўра, сузиш ҳавзаси ва тиббиёт кластери қурилиши бошланиш арафасида. “Ўзшаҳарқурилишинвест” МЧЖ томонидан 650 хонадонли 11 та кўп қаватли уйлар қурилди ва хорижий инвесторлар 8 та кўп қаватли уйларда қурилиш ишларини олиб боришмоқда.

2024 йил бошида “Янги Ўзбекистон” массиви ҳудудида 13 километр ички йўлларни қуриш лозим бўлган. Бугунги кунда ички йўлларнинг қурилиши бошланиб, 1,5 километр асфальт, 1 километр бетон йўл қурилди, 3 километрга шағал асосли йўл тайёрланди, 3,6 километр марказий кўча янгидан қурилди.

Уйи бор одамнинг ўйи бўлмайди. Кўнгли тўқ бўлади, келажакка ишонч билан қарайди. Катта мақсадларни дилда тугиб, бунёдкорликка, яратувчанликка интилиб яшайди. Янги уй янги орзуларни амалга оширишга имкон беради. Чунки, муқаддас саналадиган оиланинг ўз мустақил қўрғони бўлса, барча ниятлар ижобат бўлади.

Назорат

# Келажак авлод саломатлиги йўлида

**Нигора НОЗИМЖОНОВА,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Сув бу ҳаёт. Тоза сув кўплаб соҳаларда қўлланиладиган ва сифат назорати диққат билан сақланиши керак бўлган моддадир. Сув муаммоси дунё миқёсида долзарб бўлганлиги сабабли республикамизда сувдан фойдаланишни самарали тартибга солишни таъминлаш учун сув ресурсларини бошқариш бўйича янги тузилмалар яратилган. Сув таъминоти ва сув чиқариш соҳасига хусусий секторларни жалб қилиш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда.**

Аҳолининг яшаш шароити ва ҳаёт сифатини яхшилаш мақсадида Навоий вилояти қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси Ичимлик сувидан фойдаланиш ва сотиш ҳамда оқава сув чиқариш хизматларидан фойдаланишни назорат қилишни мувофиқлаштириш бўлими ва Навбаҳор тумани санитария-эпидемиологик осойишталик маркази бўлими томонидан текширишлар олиб борилди.



– Бак лабораторияда Навоий вилояти қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси ҳамда Навбаҳор тумани санитария-эпидемиологик осойишталик маркази бўлими ходимлари билан биргаликда ҳар ой икки мартадан ичимлик суви намуналарини олиб, таҳлил қилиб борилмоқда, – деди шифокор Назира Давронова. – Ҳар ойда ижтимоий объектлардан 5-10 тагача таҳлиллар олинади. Бактереологик текширишда биз биринчи навбатда, жадваллар асосида умумий микроблар сони ва индексини аниқлаб берамиз. Агар индекслар 20 дан юқори бўлса, патоген микробларни аниқлаб бера оламиз. Навоий “Сув таъминоти” бўлимига ҳар доим ўз вақтида натижаларни етказиб турамиз.

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида тоза ичимлик суви масаласи долзарб бўлиб турган бир вақтда мамлакатимизда аҳолини тоза ичимлик сув таъминоти ва сувни чиқариш хизматларини яхшилаш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Айниқса, болалар саломатлиги учун Навоий вилояти қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси ва Навбаҳор тумани санитария-эпидемиологик осойишталик маркази ҳамкорлигида мактабгача таълим ташкилотларида ичимлик суви таркиби ўрганиб чиқилди.

– Бизнинг мактабгача таълим ташкилотида 150 нафар болажонлар таълим-тарбия олиб келади, – деди 7-сонли ташкилот директори Дилфуза Норбоева. – Болаларга таълим-тарбия бериш жараёнида биринчи навбатда, уларнинг саломатлигини муҳофаза этамиз. Тўғри ва соғлом овқатлантиришга ҳаракат қиляпмиз. Бу ишларни ташкил қилишимизда бизга қатор ташкилотлар, жумладан вилоят Сув таъминоти инспекцияси ходимлари кўмак бериб келишмоқда. Сувни текшириш мақсадида ходимлар сувдан намуналар олиб, таҳлил натижаларини бизга тақдим этишади. Сувни яроқли ёки аксинча экани ҳақида бизга маълумотлар етказиб беришади. Сувнинг тозалиги ва истеъмолга яроқлилик даражаси болажонларимиз саломатлиги учун зарур.

Сув ҳаётнинг асоси бўлиб, ундан оқилона фойдаланиш ва келажакда рўй бериши кутилаётган сув танқислигини олдини олишда бу каби тадбирларнинг аҳамияти катта.

# Ичимлик суви масаласида исрофгарчиликка йўл қўймаслик – долзарб масала



**Содиқжон ТОШПЎЛОТОВ,** Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси Ичимлик сувини ишлаб чиқариш ва етказиб беришнинг технологик талабларига риоя этилиши назоратини мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси.

**Ичимлик суви – инсон ҳаёти учун энг муҳим табиий бойликлардан бири ҳисобланади. Унинг манбалари чекланган ва табиат томонидан узоқ муддатда тикланади. Ҳар куни миллионлаб инсонлар кундалик эҳтиёжлари учун ичимлик сувидан фойдаланади. Биз истеъмол қилаётган ичимлик суви эпидемик жиҳатдан хавфсизлиги, кимёвий таркиби бўйича зарарсизлиги, ёқимли (ижобий) органолептик хусусиятларга эгалиги, радиация жиҳатдан хавфсизлиги ҳамда инсон организмининг ичимлик сувига бўлган эҳтиёжини қондириш даражасига келиши учун бир қатор технологик босқичлардан ўтади ва тоза ичимлик суви истеъмолчиларга етказиб берилади.**

Манбадан олинаётган сувни истеъмолга яроқли бўлган ичимлик сувига айлантириш анчагина меҳнат ва машаққат билан бирга молиявий маблағни ҳам талаб қилади. Шунга қарамай, бу қимматли ресурсдан фойдаланиш жараёнида кўп ҳолларда исрофгарчиликка йўл қўйилмоқда. Айниқса, ичимлик сувини ишлаб чиқариш ва уни истеъмолчиларга етказиб бериш тизимида бу муаммо янада долзарб тус олмоқда.

Ичимлик сувини ишлаб чиқариш ва уни истеъмолчиларга етказиб бериш жараёнида технологик эҳтиёжлар учун сув сарфланади ва йўқотилади. Сувнинг технологик эҳтиёжлар учун сарфланиши ва йўқотилиши ўзи нима?

Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 22 июлдаги “Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тўғрисида”ги ЎРҚ-784-сонли Қонунининг 42-моддасида “Ичимлик суви таъминоти ташкилоти томонидан ичимлик сувини тайёрлаш ва ишлаб чиқариш жараёнида сувнинг технологик эҳтиёжлар учун сарфланиши ва йўқотилиши сувнинг технологик жиҳатдан сарфланиши, ичимлик суви таъминоти тармоқларидаги ҳисобга олинмаган йўқотишлар ҳамда ичимлик суви таъминоти ташкилоти томонидан ўз эҳтиёжлари учун ичимлик суви сарфланишидан таркиб топади” деб белгилаб қўйилган.

Шунингдек, сувнинг технологик жиҳатдан сарфланиши ва йўқотилишига қуйидагилар киради:

ичимлик суви иншоотларидаги технологик эҳтиёжлар учун сарфланиши;



сувнинг ичимлик суви таъминоти тармоқларини таъмирлаш, бутловчи ва эҳтиёт қисмларни таъмирлаш ва (ёки) алмаштириш чоғида сарфланиши;

ичимлик сувининг янги ётқизилган ичимлик суви таъминоти тармоқларини улаш учун сарфланиши;

сувнинг, шу жумладан, ичимлик сувининг ичимлик суви таъминоти тизимидаги авариялар ва носозликлар ҳамда уларни бартараф этиш бўйича тадбирлар натижасида йўқотилиши;

носозликлар натижасида ичимлик суви таъминоти тармоғидан ичимлик сувининг йўқотилиши;

ичимлик сувининг ёнғинни ўчириш эҳтиёжлари (ёнғинни ўчириш, ўт ўчиришга қарши гидрантларни текшириш, ёнғин-тактик машқлар ва машғулотлар) учун йўқотилиши;

ичимлик суви таъминоти ташкилоти томонидан ўз эҳтиёжлари учун ичимлик суви сарфланиши киради.

Ҳозирги кунда ичимлик суви таъминоти ташкилотлари тасарруфидаги **12 000** дан ортиқ ичимлик суви иншоотлари орқали юртимиздаги истеъмолчилар тоза ичимлик суви билан таъминланиб келинмоқда. Кўплаб ҳудудларда сув қувурлари ва иншоотлари эксплуатация муддатларини ўтаб бўлган. Бу эса сув сизиб чиқишига, босим йўқолишига ва ҳатто ичимлик сувининг ифлосланишига олиб келади. Натижада, ишлаб чиқарилган ичимлик суви истеъмолчига етиб боргунча катта йўқотишларга учрайди.

Ичимлик сувини ишлаб чиқариш жараёнида замонавий технологияларнинг етарли даражада жорий этилмаганлиги, иншоотлар ва тармоқлардаги носозлик (авария)ларни ўз вақтида аниқлашнинг автоматлаштирилмаганлиги, жисмоний ва юридик шахслар томонидан сув таъминоти тизимига рухсатсиз уланишлар (мисол учун, жорий йилнинг январь-апрель ойларида ичимлик суви таъминоти тармоқларида республика бўйича жами 1 402 та ноқонуний уланиш ҳолатлари аниқланган) натижасида кўп миқдорда сув йўқотилади. Фильтрлаш, тозалаш, сақлаш ва қувурлар орқали ташишда юзага келадиган йўқотишлар умумий ишлаб чиқарилган сув миқдорининг сезиларли қисмини ташкил этади.

Хўш, бунга ечим борми?

Ечим бор, албатта!

Фойдаланиш муддатини ўтаб бўлган иншоотлар ва улардаги асбоб-ускуналарни ҳамда сув ўтказувчи қувурларни янгисига алмаштириш, ичимлик сувини ишлаб чиқариш ва етказиб беришда замонавий технологияларни жорий этиш, яъни ишлаб чиқариш ва тозалашда автоматлаштирилган, энергия тежамкор технологияларни кенг жорий этиш орқали йўқотишлар камайтирилади. Босимни мувозанатлаштирувчи асбоб-ускуналар, автоматик тозалаш тизимлари ҳамда энергияни тежовчи ва самарали фильтрлаш тизимларини жорий этиш ҳам фойдадан холи эмас. Эскирган қувурлар алмаштирилиши ва замонавий датчиклар ўрнатилиши, оқимларни кузатиш, исроф ва ноқонуний сарфни аниқлаш учун автоматлаштирилган тизимлар, аҳоли ўртасида сувни тежаш маданиятини шакллантириш, тарғибот ишларини олиб бориш, ичимлик сувидан фойдаланишдаги қоидабузарликларга нисбатан жиддий чоралар кўриш орқали ҳам самарадорликка эришилади.

### ХУЛОСА

Ичимлик суви бугунги ва келажак авлодлар ҳаёти учун бебаҳо бойликдир. Уни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш жараёнида исрофгарчиликка йўл қўймаслик – нафақат мутасадди ташкилотлар, балки ҳар бир инсоннинг муҳим вазифасидир. Ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланиш орқали биз нафақат иқтисодий, балки экологик барқарорликни ҳам таъминлаймиз. Шунинг учун бугундан бошлаб сувга бўлган муносабатимизни қайта кўриб чиқиш ва ҳаракатга ўтиш вақти келди. Унутманг, сувга эътибор келажакка эътибордир!

◀ 1-бет

# МУВАФФАҚИЯТ ЙЎЛИДАГИ 60 ЙИЛЛИК ФАОЛИЯТ

### ТАРИХ ВА ТАРАҚҚИЁТ

Бошқарма 1965 йилда Навоий кон-металлургия комбинатининг қурилиш ва инфратузилма ишларини амалга ошириш мақсадида ташкил этилган. Ишга тушган дастлабки йилларданоқ жамоа юксак масъулият, касбий маҳорат ва садоқат билан юрт равнақига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Ўтган йиллар мобайнида бошқарма томонидан юзлаб саноат иншоотлари, кон объектлари, турар жойлар, ижтимоий соҳа муассасалари, муҳандислик тармоқлари барпо этилди. Бошқарма фаолияти нафақат Зарафшон шаҳрида, балки бутун Навоий вилояти ва республика миқёсидаги йирик лойиҳаларда яққол намоён бўлди.

Бунинг мисоли сифатида 1969 йилда Қизилқум саҳросининг оғир иқлим шароитида "Водстрой" ва "Жилстрой" қурилиш-монтаж бошқармалари, 28-сонли монтаж-қурилиш участкаси қурувчи ва монтажчилари томонидан 208 километр узунликдаги, дунёда ўхшаши бўлмаган, олти оралиқ насос станцияли сув қувури қурилиб, фойдаланишга топширилди ва илк бор Амударёдан Зарафшонга сув етиб келди. Янгитдан бунёд этилаётган шаҳар ва саноат корхоналари учун сувнинг қадри ҳатто олтиндан ҳам баландроқ эди. 1967 йилда саҳро бағридаги энг йирик саноат объекти 2-сонли гидрометаллургия заводи қурилиши бошланиб, 1969 йилда ниҳоясига етказилди. Ўша йили заводда биринчи маҳсулот, 2 кг 800 грамм оғирликдаги олтин қуймаси олинди. Бу – инсон меҳнати, ақл-заковатининг чинакам ғалабаси эди.

### ЗАМОНАВИЙ БОСҚИЧ

Бугунги кунда Зарафшон қурилиш бошқармаси замонавий техникалар, инновацион қурилиш усуллари ва юқори малакали кадрлар билан таъминланган ҳолда фаолият юритмоқда. Комбинатнинг стратегик аҳамиятга эга лойиҳаларини амалга оширишда, хусусан, янги гидрометаллургия заводлари, конлар ва инфратузилма объектлари қурилишида бошқарманинг ҳиссаси беқиёсдир. Шунингдек, бошқарма республикада амалга оширилаётган қурилиш ислоҳотларига ҳам фаол ҳисса қўшиб келмоқда. Инновацион ёндашув, экологик талабларга риоя қилиш ва сифат стандартларига тўлиқ мослик – бугунги бошқарманинг асосий тамойилларидандир.

Зарафшон қурилиш бошқармасида инвестиция лойиҳалари доирасида замонавий ишлаб чиқариш объектларининг қурилиш-монтаж ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда. 2023 йилда жами 920 514,0 миллион сўмлик, 2024 йилда 1 164 623,4 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилган бўлса, бу кўрсаткич жорий йилда 1 379 964,0 миллион сўмга етказилиши кўзда тутилган.

"НКМК" АЖнинг 2024-2030 йилгача бўлган муҳим стратегик инвестиция лойиҳалари асосида Зарафшон қурилиш бошқармаси томонидан лойиҳа қиймати 870,2 миллион долларлик қурилиш-монтаж ишларини бажариш режалаштирилган.

Сўнгги йилларда Зарафшон қурилиш бошқармасининг моддий-техник базаси мустаҳкамланмоқда. Бошқарманинг "Саноатэлектрмонтаж" монтаж қурилиш трести, "Зарафшон" ва "Навоий" қурилиш-монтаж бошқармалари, темир-бетон маҳсулотлар заводининг юзлаб малакали қурувчилари, шунингдек, ёрдамчи турли касб эгалари ҳар қандай об-ҳаво шароитида республикамизнинг барча ҳудудларида илғор технологиялар ва ёндашувлар асосида бунёдкорлик ишларини олиб боришмоқда.





Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ҳаётга татбиқ этилаётган қимматбаҳо металлар ишлаб чиқиш ҳажмини ошириш давлат дастури доирасида "НКМК" АЖ томонидан кейинги саккиз йилда умумий қиймати 3 миллиард долларлик 27 та йирик лойиҳа амалга оширилди. Мурунтов конининг "Шимолий-Шарқий мажмуасининг майдалаш ва ташиш нуқтасини чуқурлаштириш", Шимолий кон бошқармасининг "Биооксидланиш цехи" ва "Довғистов ва Кўкпатас олтин конларида руда қазиб олиш III-босқичи", Жанубий кон бошқармаси Зармитан конининг "Скипли" вертикал милини қуриш, Марказий ва Шимолий кон бошқармасига қарашли гидрометаллургия заводларидаги мавжуд ва янги "Чиқиндилар сақлаш омборхоналарини кенгайтириш" лойиҳалари, 5-6-7-сонли гидрометаллургия заводлари, йирик ижтимоий объектлардан Тўдакўлда қурилган халқаро шахмат мактаби, Томди туманидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернати, "Зомин" санаторияси, болалар оромгоҳлари қурилиши шулар жумласидандир. Қолаверса, бундай объектларнинг фойдаланишга топширилиши билан яна минглаб янги иш ўринлари яратилаётгани қувонарлидир.



Маҳаллийлаштириш дастури доирасида таннархни пасайтириш, импорт ўрнини босувчи маҳаллий маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш юзасидан қабул қилинган дастур ижросини таъминлаш борасида ҳам Зарафшон қурилиш бошқармасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2023 йилда 22 турдаги 147 213,7 миллион сўмлик, 2024 йилда 24 турдаги 159 121,3 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, 2025 йилда 26 турдаги жами 178 215,5 миллион сўмлик маҳаллий маҳсулотларни ишлаб чиқариш режалаштирилган. Бу эса, ўз навбатида объектларда қурилиш харажатларини сезиларли даражада пасайтириш, маблағларни иқтисод қилиш, шунингдек, қурилиш майдонларида эҳтиёждаги материалларни етказиб беришда узилишларнинг олдини олиш имкониятини яратади.

Бу каби кўрсаткичлар, бошқарма тизимида фаолият юритаётган фидойи ва ишбилармон ходимларнинг меҳнатлари маҳсулидир.

### АСОСИЙ БОЙЛИК – ИНСОН КАПИТАЛИ

Қурувчи – на ҳароратдан, на совуқдан, на шамолдан қўрқади. Чунки у билиб туради: унинг иши – эл хизмати, юрт равнақи.

*Қуму-цемент бўлиб бўяниб юрар,*
*Тирноқлар остида тош, цемент, оҳак.*
*Бир девор қурсам деб ниятда юрар,*
*Юзида чарчоқ, юрагида фахр!*

Бу сатрлар қурувчининг қалбидаги гаплардир. Улар учун ҳар бир пойдевор – масъулият, ҳар бир девор – орзу, ҳар бир том – ишонч рамзидир. Қурувчилар жисмонан оғир, лекин маънан улуғ меҳнат соҳиби саналади.

Зарафшон қурилиш бошқармаси ҳам мана шундай фидойи ва меҳнаткаш инсон омилига таянган ташкилот саналади.

### ҚУРИЛИШГА ЕТАКЧИ – РАҲБАРНИНГ ИНТИЛИШИ

Бугунги кунда "НКМК" АЖ раҳбарияти, хусусан, комбинат бош директори ўз олдига улкан марраларни қўйиб, Зарафшондаги ва комбинат тасарруфидаги барча саноат ҳудудларидаги қурилиш жараёнларини янги босқичга олиб чиқмоқда.

Мисол тариқасида, тарихга назар ташлайдиган бўлсак, комбинат тасарруфидаги саноат ҳудудларида 1-2-3-гидрометаллургия заводлари барпо этилган бўлса, сўнгги 17 йиллик давр мобайнида 4 та гидрометаллургия заводи фойдаланишга топширилди.

Инновацион ёндашув, тизимли назорат, халқаро стандартларга мос қурилиш сиёсатини амалга оширишда шахсий ташаббус ва масъулият – раҳбариятнинг доимий эътиборида.

### БИРДАМ ЖАМОА – МУВАФФАҚИЯТ КАЛИТИ

Бир сўз билан айтганда, Зарафшон қурилиш бошқармаси нафақат муҳандис ва усталар, балки бутун қурилиш жараёнини таъминловчи барча хизматчилар – таъминот бўлими ходимлари, логистикачилар, омборчилар, ишлаб чиқариш хизмати ва техник назорат гуруҳларининг фидокорона меҳнати билан бугунги ютуқларга эришиб келмоқда.

# Фахрийлар кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди

**Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигида Архитектура ва қурилиш соҳаси Фахрийлари Кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Кенгашнинг 2025 йил биринчи ярим йилликдаги фаолияти якунлари ҳамда учинчи чорак режалари муҳокама қилинди.**



Йиғилишда давлат солиқ хизмати ва статистика органларига белгиланган тартибда ҳисоб-китоб ҳужжатлари тақдим этилгани, "ТошкентбошпланЛИТИ" биносига жойлашиш бўйича ҳужжатлар лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Ҳукуматга таклифлар киритилгани таъкидланди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда мукаммал лойиҳалар асосида кўп қаватли турар жойлар, маъмурий ҳамда ижтимоий объектлар қурилиб, уй-жойга эҳтиёжманд аҳоли ўз уйига эга бўляпти. Ислоҳотлар бошлангандан буён 11 мингдан ортиқ иншоот фойдаланишга топширилгани бунинг исботидир. Соҳа фидойиларининг шаҳарсозлик меъёрларини шакллантиришдаги кўп йиллик тажрибаси, тинимсиз изланишлари ҳисобига халқимизнинг турмуш тарзи тубдан ўзгармоқда. Шаҳарсозлик ҳужжатлари асосида иш юритиш ва қурилишларга оид бошқа талаблар бажарилишида албатта, тажрибали мутахассисларнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Шу мақсадда Архитектура ва қурилиш соҳаси Фахрийлари кенгаши ташкил этилган.



Айни пайтда кенгаш аъзоларининг саъй-ҳаракати билан кўплаб ишлар амалга оширилди. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан Ҳукуматга таклифлар киритилди. Ҳисобот йиғилишида 1060 тадан зиёд архитектура ва қурилиш соҳаларида фаолият юритаётган ташкилотлар рўйхати шакллантирилиб, 644 та номзод томонидан мурожаатлар келиб тушган.

Бундан ташқари, кенгашнинг 2025 йил 10 январдаги 1-сон буйруғига биноан, ярим йилликда ишчи комиссиясига 126 та ташкилот томонидан 676 нафар фахрий номзод тўғрисида ҳужжатлар тўплами киритилгани эътироф этилди. Яна бир асосий жиҳат, фахрийлар иштирокида "Устоз-шогирд" анъаналари бўйича 15 та олий таълим даргоҳида 6 минг нафардан ортиқ талаба билан кўплаб мавзуларда давра суҳбатлари ўтказилди.

Шунингдек, таклифларга кўра, аҳоли пунктларини архитектуравий режалаштириш, шаҳарсозлик соҳасини ривожлантириш бўйича Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Васийлик кенгашига йилнинг ўтган даврида 12 маротаба таклиф-тавсиялар жамланмаси киритилиб, айни пайтда вазирлик томонидан ишлар амалга ошириляпти. Устав талаби асосида фахрийларни ижтимоий ҳимоялаш, уларни соғломлаштириш, санаторийларда дам олдириб, саломатликларини тиклаш йўналишида ҳам саъй-ҳаракатлар олиб борилаётгани ҳақида Фахрийлар кенгаши раиси Козим Тўлаганов алоҳида таъкидлаб ўтди.

Тадбир якунида кейинги чоракда шаҳарсозлик ва архитектура соҳасини ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш, норма ва қоидалар ҳамда стандартларни талаб даражасида такомиллаштириш, топографик-геодезия ва муҳандислик-геологик ишлар лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишда шаҳарсозлик фаолиятига оид ечимлар, қишлоқ аҳоли пунктларини архитектура жиҳатдан режалаштиришни ташкил қилиш ва қишлоқ қурилишининг лойиҳалаштириш тизимини тубдан яхшилаш каби ўнлаб бажарилиши лозим бўлган ишлар белгиланди.

**Ўз мухбиримиз.**

# Шаҳарча ичида шаҳарча бунёд этилмоқда

**Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ,** "O‘zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Бир неча йил аввал Нукус шаҳридаги "Жеке терек" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида 16 қаватли 80 хонадонли 5 та бино қад ростлаган эди. Атрофи ободонлаштирилиб, янги инфратузилма яратилди. Кўплаб инсонлар янги уй-жойларга кўчиб келиб, ҳудуд шаҳар ичидаги алоҳида кичик аҳоли пунктига айланди.**



Қурилиш ишлари шу билан тўхтаб қолгани йўқ. Яқинда бу ерда ушбу биноларга қўшимча тарзда яна 16 қаватли 80 хонадонли 4 та иншоот қурилиши бошланди. Айни пайтда уларнинг бирида бетон ишлари тўлиқ якунланиб, деворларга газобетон териш, сиртини қоплаш жараёни давом этаётган бўлса, яна бир бинонинг бетон ишлари 8 қаватгача етказилган. Қолган иккита бино учун ер тайёрланиб, пойдевор қуйишга тайёргарлик кўрилмоқда.

– Биз бу ерда 45 киши бўлиб ишлаяпмиз, – деди "Декстрой" акциядорлик жамияти иш бошқарувчиси С. Оразбаев. – Жамиятимиз томонидан 3 та бинода ишлар жадаллик билан давом этяпти. Яна бир иншоот қурилиши "KKRASI BETON" корхонаси томонидан олиб боriляпти. Бу ерда қурувчилар учун барча шароит яратилган. Уч маҳал иссиқ овқат, ойлик маошлари ўз вақтида берилади. Қурилиш ишларини сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш учун барча имкониятдан фойдаланяпмиз. Қурилиш материаллари ўз вақтида етказиб турилса, молиялаштириш узилмаса, иш ҳажми белгиланган муддатларда бажарилади, албатта.

Тезлатилган суръатда олиб борилаётган қурилиш ишларини кўрган киши кўп ўтмай бу ерда яна бир кичик шаҳарча барпо этилишига амин бўлади.

Ҳозирда қурилиш ишлари янада қизғин давом этмоқда.

# Йирик шамол электр станцияси ишга тушди

**Зулфизар МАВЛОНОВА,** O‘zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Ўзбекистоннинг яшил энергетика соҳасидаги энг йирик лойиҳаларидан бири – Ғиждувон туманидаги 300-500 мегаваттли шамол электр станцияси тармоққа уланди. Бу лойиҳани Саудия Арабистонининг "ACWA Power" компанияси амалга оширди.**

Президентимизнинг 2021 йил 23 февралдаги "Бухоро вилоятининг Пешку ва Ғиждувон туманларида шамол электр станцияларини қуриш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, Саудия Арабистонининг "ACWA Power" компанияси томонидан Бухоро вилоятида ҳаётга татбиқ этилган йирик "яшил энергетика" лойиҳаси якунига етди.

Мазкур лойиҳа – умумий қуввати 1 гигаватт бўлган мега ташаббуснинг биринчи босқичи бўлиб, иккинчи 500 мегаваттли станция Жонкелди массивида барпо этилди. 79 та улкан шамол турбинасидан иборат бу иншоот йилига 3,6 миллиард киловатт-соат электр ишлаб чиқаради. Бу эса 1,6 миллион тонна карбонат ангидрид чиқиндиларининг ҳавога чиқарилишини олдини олишга хизмат қилади. Бундан ташқари, лойиҳа туфайли йилига 500 миллион куб метр табиий газ тежашга эришилади.

Саудия Арабистони томонидан Бухорода барпо этилган ушбу икки станция вилоятнинг электр энергиясига бўлган эҳтиёжини тўлиқ, Ўзбекистон умумий эҳтиёжининг эса 6,5 фоизини қоплаш имконини беради. Лойиҳа бош директори Рамачандаран Рама Кришнаннинг таъкидлашича, лойиҳа бошланишидан олдин ҳудуднинг шамол ресурслари тўлиқ ўрганилиб, техник таҳлиллар асосида жой танланган. Қурилиш ишлари давомида 128 километр узунликдаги 500 киловатт кучланишга эга электр узатиш тармоқлари тортилди, 334 дона таянч ўрнатилди ҳамда битта подстанция барпо этилди.

Шамол турбиналарининг ҳар бири 100 метр баландликда бўлиб, учта 80 метрлик парракка эга. Бундай йирик технологик инфратузилмани чўл ҳудудига олиб келиш, ўрнатиш ва ишга тушириш катта куч, маблағ ва мувофиқлаштирилган ишни талаб этди. Ташаббуснинг ҳаётга татбиқ этилиши давлатимиз раҳбари томонидан яшил энергетикани ривожлантиришга қаратилган қатъий сиёсат ва хорижий сармоядорлар билан очиқ мулоқот натижаси сифатида баҳоланмоқда.

Бугун вилоятда муқобил энергия манбаларини ривожлантириш йўналишида яна 10 та йирик лойиҳа устида ишлар олиб борилмоқда. Бу эса, нафақат аҳоли фаровонлигини таъминлаш, балки саноатни энергия билан барқарор таъминлашда ҳам муҳим роль ўйнайди.

Ғиждувонда бунёд этилган бу замонавий энергия маркази Ўзбекистоннинг "яшил келажак" сари дадил қадамларидан биридир.

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№52 (905) 2025 йил 27 июнь

# ПРИГЛАШЕНИЕ К УЧАСТИЮ В ТЕНДЕРНЫХ ТОРГАХ

**РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН**

**Сектор:** Сельское развитие

**Закупка работ**

**Номер контрактов:** SRDP-KHR-W-34, SRDP-KHR-W-35, SRDP-KHR-W-36, SRDP-KHR-W-37, SRDP-KHR-W-38, SRDP-KHR-W-39, SRDP-KHR-W-40, SRDP-KHR-W-41, SRDP-KHR-W-42, SRDP-KHR-W-43, SRDP-KHR-W-44, SRDP-KHR-W-45, SRDP-KHR-W-46, SRDP-KHR-W-47, SRDP-KHR-W-48, SRDP-KHR-W-49, SRDP-KHR-W-50.

**Номер кредита:** UZB-1023.

**Название проекта:** Устойчивое развитие сельской местности.

1. **Правительство Узбекистана получило от Исламского банка развития (ИБР) кредит на реализацию проекта "Устойчивое развитие сельской местности" и намеревается использовать часть средств данного кредита для финансирования правомочных платежей на подрядные работы по нижеследующим контрактам в Хорезмской области:**

**SRDP-KHR-W-34** – улучшение водоснабжения в МСГ "Марбугат" Гурленского района Хорезмской области;

**SRDP-KHR-W-35** – асфальтирование внутренних дорог в МСГ "Бахшилар" Ургенчского района Хорезмской области;

**SRDP-KHR-W-36** – асфальтирование и устройство покрытия из ЩПС внутренних дорог в МСГ "Узумзор" и "Богистон" Багатского района Хорезмской области;

**SRDP-KHR-W-37** – асфальтирование и устройство покрытия из ЩПС внутренних дорог в МСГ "Узгариш" Багатского района Хорезмской области;

**SRDP-KHR-W-38** – асфальтирование внутренних дорог в МСГ "Хунарманд" Багатского района Хорезмской области;

**SRDP-KHR-W-39** – асфальтирование и устройство покрытия из ЩПС внутренних дорог, а также строительство тротуаров с уличным освещением в МСГ "Янгикадам" Багатского района Хорезмской области;

**SRDP-KHR-W-40** – асфальтирование и устройство покрытия из ЩПС внутренних дорог, а также строительство тротуаров с уличным освещением в МСГ "Галаба", "Маданият" и "Навруз" Багатского района Хорезмской области;

**SRDP-KHR-W-41** – асфальтирование и устройство покрытия из ЩПС внутренних дорог, а также строительство тротуаров с уличным освещением в МСГ "Янгикадам" Ханкинского района Хорезмской области;

**SRDP-KHR-W-42** – асфальтирование внутренних дорог в МСГ "Истиклол" Ханкинского района Хорезмской области;

**SRDP-KHR-W-43** – асфальтирование внутренних дорог в МСГ "Илгор" Ханкинского района Хорезмской области;

**SRDP-KHR-W-44** – асфальтирование и устройство покрытия из ЩПС внутренних дорог, а также строительство тротуаров с уличным освещением в МСГ "Пахлавонлар" и "Корамази" Ханкинского района Хорезмской области;

**SRDP-KHR-W-45** – асфальтирование внутренних дорог, а также строительство тротуаров с уличным освещением в МСГ "Пахтагул" Ханкинского района Хорезмской области;

**SRDP-KHR-W-46** – асфальтирование внутренних дорог в МСГ Дурмон Ханкинского района Хорезмской области;

**SRDP-KHR-W-47** – асфальтирование внутренних дорог в МСГ "Гулистан" Ханкинского района Хорезмской области;

**SRDP-KHR-W-48** – асфальтирование внутренних дорог, а также строительство тратуаров с уличным освещением в МСГ имени Х. Олимжон Янгибазарского района Хорезмской области;

**SRDP-KHR-W-49** – асфальтирование внутренних дорог, а также строительство тротуаров с уличным освещением в МСГ "Шоирлар" и "Бархаёт" Янгибазарского района Хорезмской области;

**SRDP-KHR-W-50** – асфальтирование внутренних дорог, а также строительство тротуаров с уличным освещением в МСГ "Юкори Башкир" Янгибазарского района Хорезмской области.

2. Объединенная группа реализации проектов при Министерстве экономики и финансов, настоящим приглашает правомочных участников представить запечатанные тендерные предложения на выполнение вышеуказанных работ. Тендерные торги будут проводиться в соответствии с процедурами национальных конкурсных торгов (НКТ), установленными *Исламским банком в "Руководстве по закупке товаров, работ и сопутствующих услуг при финансировании проектов ИБР", опубликованном в апреле 2019 года*, и в нем могут принять участие любые участники из правомочных стран, как определено в руководстве. Кроме того, обратите внимание на пункты 1.18–21, излагающим политику ИБР в отношении конфликта интересов.

3. Заинтересованные правомочные участники торгов могут получить более подробную информацию в Объединенной группе реализации проектов при Министерстве экономики и финансов и ознакомиться с тендерной документацией в рабочее время с 9.00 до 18.00 по нижеуказанному адресу. Полный комплект тендерной документации на русском языке может быть приобретен заинтересованными участниками торгов по предоставлению письменной заявки по нижеуказанному адресу и оплаты безвозвратного взноса для покрытия расходов по распечатке и рассылке, размер которого для каждого комплекта тендерной документации по 1 пакету составляет **1 250 000 сум**. **Способ оплаты** – банковский перевод на нижеуказанный счет.

**ДЛЯ ПОСТУПЛЕНИЙ В СУМАХ:**

**Получатель:** Объединенная группа реализации проектов при Министерстве экономики и финансов.

**Адрес и телефоны получателя:** 100035, г. Ташкент, Юнусабадский р-н., ул. Ниязбек, 1, 4-этаж, правый блок. Тел.: (+998 71) 207-84-07.

**Банк получателя:** Ташкент-й фил. АКИБ "Ипотека-банк" МФО 00419

**Р/с получателя в сум:** 2021 0000 7052 9450 7007

**ИНН, ОКОНХ получателя:** ИНН: 307 829 948

